



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

11 (49) 2022

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал

Научно-реферативный,

духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

11 (49)

2022

ноябрь



Received: 15.10.2022
Accepted: 25.10.2022
Published: 15.11.2022

УДК 614.2:379.85(575.1)

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ - ТИББИЙ ТУРИЗМ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Камилова Д.Н., Сайдалихужаева Ш.Х., Тангиоров А.Л., Ирханова Д.М., Бабажоновна Н.,
Бегматова К.

Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон
Юнусобод тумани Ибн Сино номидаги тиббиёт техникуми, Тошкент, Ўзбекистон

✓ Резюме

Тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида уюштириладиган туризм турли хизматлар кўрсатиш соҳасининг алоҳида тармоғи бўлиб, бугунги кунда таъхис қўйиш, пластик жаррохлик, стоматология, дерматовенерология ҳамда анъанавий шарқона тиббиёт йўналишларидаги хизматларга талаб жуда катта. Мақолада тиббий туризмнинг мамлакат иқтисодий ҳаётига интеграциясини ошириш мақсадида, тиббий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда йиллик туристларни кўп жалб этганликлари ҳисобига имтиёзлар бериш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ҳақида фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: тиббий туризм, соғлиқни сақлаш, тиббий хизмат, саломатлик, хорижий клиника

НОВЫЙ ЭТАП В РЕФОРМИРОВАНИИ СЕКТОРА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ - МЕДИЦИНСКИЙ ТУРИЗМ И ЕГО РАЗВИТИЕ

Камилова Д.Н., Сайдалихужаева Ш.Х., Тангиоров А.Л., Ирханова Д.М., Бабажоновна Н., Бегматова К.

Ташкентский государственный стоматологический институт, Узбекистан
Юнусабадский медицинский техникум имени Абу Али Ибн Сино, Ташкент, Узбекистан

✓ Резюме

Туризм, организованный с целью оказания медицинских услуг, является отдельной отраслью различных услуг, и сегодня спрос на услуги в областях диагностики, пластической хирургии, стоматологии, дерматовенерологии и традиционной восточной медицины очень высок. В статье излагается разработка мер по усилению интеграции медицинского туризма в экономическую жизнь страны, поддержке субъектов предпринимательства, оказывающих медицинские услуги, и предоставлению льгот в связи с большим количеством ежегодных туристов.

Ключевые слова: медицинский туризм, здравоохранение, медицинское обслуживание, здоровье, зарубежная клиника

THE NEW STAGE IN THE REFORM OF THE HEALTHCARE SECTOR - MEDICAL TOURISM AND ITS DEVELOPMENT

Kamilova D. N., Saydalikhujaeva Sh.Kh., Tangirov A.L., Irkhanova D.M., Babajanova N., Begmatova K.

Tashkent State Dental Institute, Uzbekistan
Abu Ali Ibn Sino Yunusabad Medical College, Tashkent, Uzbekistan

✓ Resume

Tourism, organized for the purpose of providing medical services, is a separate branch of various services, and today the demand for services in the fields of diagnostics, plastic surgery, dentistry, dermatovenerology and traditional oriental medicine is very high. The article outlines the development of measures to strengthen the integration of medical tourism into the economic life of the country, support business entities providing medical services, and provide benefits due to the large number of annual tourists.

Keywords: medical tourism, healthcare, medical care, health, foreign clinic

Тиббий туризм - Ўзбекистон учун нисбатан янги тушунча бўлиб, дунёда эса у аллақачон амалда бўлган. Ушбу йўналиш икки соҳанинг — соғлиқни сақлаш ва туризмнинг кесишмасида пайдо бўлган. Унинг мақсади турли хил касалликларга чалинган беморларга ташхис қўйиш, даволаш ёки реабилитация қилиш учун маҳаллий ёки чет элдаги нархлар ва сифат жиҳатидан энг муносиб клиникани топишга ёрдам беришдир. Бундан ташқари, тиббий туризм беморга ва унинг ҳамроҳларига сафар пайтида ҳам, даволаниш пайтида ҳам максимал даражада қулайлик яратади.

Дарднинг келиши осон, аммо кетиши кийин, деган гап бор халқимизда. Инсон саломатлик кадрини фақатгина оғир дардга чалинганида англаб етади. Ҳолбуки касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқулроқ. Аммо, нима бўлганида ҳам ҳаммамиз иссиқ жонмиз. Бирда соғ-саломат, бирда дардга чалиниб қоламиз. Айрим вақтларда оғир дардга чалиниб қолган одам ўзини қўярга жой тополмай «дардимга шифо истаб кимга ёхуд қайга борсам экан?» деган хаёлга боради. Бу масала айниқса, ҳозир эркин бозор муносабатлари тобора шаклланиб бораётган вақтда жуда ҳам долзарб бўлиб қолган. Бир томондан, пулинг бўлса истаган ерингда дардинга малҳам бўлгувчи шифохона ва шифокорларни топа оласан. Иккинчи томондан эса, пешона теринг билан ишлаб топган пулингни беҳудага сарфламасдан дардиндан буткул фориғ бўлишни истайсан, киши. Бозор шароитида дардига даво излаган кишига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида уюштириладиган туризм билан шуғулланувчи турли хил воситачи фирмаларнинг вакиллари дарҳол «лаббай» деганича ўз хизматини таклиф қила бошлайди. Ҳозирги вақтда мўмайгина сармоя эвазига турли хорижий мамлакатларда даволаниш учун барча имкониятлар мавжуд. Истасангиз Ҳиндистон ёки Германияда, ҳаттоки АҚШда даволаниб келишингиз ҳам мумкин. Лекин шу ўринда бир савол туғилади: дардинга шифо истаб ўзга юртларга боришга зарурат борми? Бу саволга маънили жавоб бериш учун биз энг аввало, тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида уюштириладиган туризм ҳақида қисқача фикр билдириб ўтмоқчимиз.

Сўнги вақтларда тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида уюштириладиган туризм билан шуғулланувчи турли хил воситачи фирмаларнинг вакиллари Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлган. Улар юқорида айтиб ўтганимиздек, талаб айниқса кучли бўлган тиббий хизмат йўналишларидан чалинган беморларга ҳам хорижда даволанишни таклиф этишмоқда. Шу ўринда ҳамюртларимиз алоҳида огоҳ бўлишлари лозим. Гап шундаки, оғир дардга чалинган беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмас экан у ўз дардидан халос бўлолмайди. Аксинча, дарди янада зўрайиб кетиши ҳеч гап эмас. Тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида уюштириладиган туризм соҳасида фаолият юритувчи иқтисодий агентларнинг аксарияти тиббиётдан узоқ бўлиб уларнинг асосий мақсади даромад олишдан иборат. Ҳолбуки, киши касалликка чалинган бўлса, қаерда ва кимнинг «қўлида» даволаниш масаласи ниҳоятда аҳамиятли бўлиб қолади. Аслини касалликни жарроҳлик йўли билан бир зумда даволаб бўлмайди. Бу хилдаги касални даволаш ҳамма вақт узоқ муддатли ва тизимли тартибда амалга ошириладиган жараён дир. Шу сабабли тиббий туризм ҳалол ва сифатли бўлиши талаб қилинади. Тиббий нуқтаи назардан қаралса касалликка чалинган беморларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш деганда, халқаро андоза даражасидаги турли хилдаги диагностик, даволовчи ва реабилитацион чора-тадбирлар мажмуи назарда тутилади. Бундай даволаш комплексини муваффақиятли амалга ошириши учун пухта ишланган даволаш режасини қатъий интизом асосида олиб бориш талаб этилади. Бундан ташқари стационар клиникаларда комплекс даво муолажаларини олган беморларга ҳар 3, 6, 9 ойда ўз турар жойи ҳудудига бириктирилган тиббий масканда диспансер кузатувида бўлиш тавсия этилади [10,13].

Хорижий клиникаларда дардига даво истаб мурожаат этган мижозларга энг аввало уларнинг моддий имкониятларига қараб хизмат кўрсатилади. Оддийгина қилиб айтганда, пулинг борича даволаб, пулинг тугаши биланоқ жавоб бериб юборишади. Ўзбекистонда эса аксарият хорижий мамлакатларда маълум миқдордаги пул эвазига кўрсатиладиган алоҳида хизмат турлари мутлақо бепул кўрсатилади. Ультратовуш ёрдамида сканерлаш, компьютер томографияси, биопсия, аниқланган ўсмани морфологик жиҳатдан верификациялаш, турли хилдаги жарроҳлик операциялари шундай тиббий хизмат турлари жумласига киради. Хорижий давлатлардаги

клиникаларда даволаниш баҳоси 100 АҚШ долларидан тортиб 2-3 минг АҚШ долларигача етади. Хорижий клиникаларда даволаниб қайтиш учун қилинадиган сарф-харажатларнинг асосий қисмини авиа чипталарини харид қилиш, беморнинг яқин қариндошлари яшаб туриши учун кунлик сарф-харажатлар, хужжатларни таржима қилдириш билан боғлиқ сарф-харажатлар, виза олиш билан боғлиқ харажатлар, таржимонга ҳақ тўлаш каби харажатлар ташкил қилади.

Мамлакатда иқтисодий ислохотларни амалга оширилиши турли соҳаларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Айниқса, бундай соҳалар қаторида бутун дунё иқтисодиёти ва давлатлар истикболида муҳим рол ўйнаётган туризм ривожланишида буни яққол кўриш мумкин. Тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати ошиб бориши натижасида бутун дунё, айниқса юртимизда ҳам туристик саёҳат қилиши ҳам ошиб бормоқда. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2018 йил давомида 5346219 нафар чет эллик сайёҳ Ўзбекистонга келиб кетган. Бу рақамлар ҳар ойга нисбатан ҳисобланганда, мисол тариқасида 2019 йил февраль ойининг 2020 йил февраль ойига нисбатан 11,9 % ошганини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолиши, Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказиш, катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмини ҳам жадал ривожлантириш зарурлиги бу борадаги ишлар учун янада муҳим вазифалар юклайди ҳамда қонунчилик тизимида турли ислохотлар қилишни англатади. Шу сабабли ҳам мавжуд вазиятда тиббиёт туризмини ҳуқуқий тартибга солиш ва пандемиядан сўнг давлатимиз олдида турган вазифаларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Дастлаб тиббиёт туризми, унинг пайдо бўлиши, шаклланиши, унга бўлган зарурат ҳамда тиббий туризм хизматлар кўрсатиш моҳиятини очиб бериш талаб этилади [3,5,8].

Биринчи хужжатлаштирилган далиллар тиббий туризм тарихини милоддан аввалги III асрлардан бошланганлигидан дарак беради. Биринчи тиббий туризм куртаклари Юнонистонда пайдо бўлган ва Эпидеярусдаги Асклепий маъбудидидаги илиқ ванналарга бориш инсонлар соғлиғини тиклашга ёрдам берган. Қадимги дунёда дин ва тиббиёт ўртаси бир бирига чамбарчас боғлиқ бўлган. Жумладан, Ҳиндистонда тиббий туризм Ёга ва Аюрведа билан бир вақтда ривожланди. Араб мамлакатларида эса ирқий ва динидан қатъий назар, тиббий хизматларга глобал талабни қондира оладиган соғлиқни сақлаш тизими шакллантирилган. Тиббий туризм қадимги даврларда пайдо бўлган, энг яхши шифокорлардан малакали тиббий ёрдам олиш учун беморлар узок масофани босиб ўтишлари керак эди. Масалан, чор Россиясида зодагонлар Германия ёки Чехия Республикасига "сув устида" даволаниш учун борган. Умуман олганда 1980 йиллардан бошлаб тиббий туризм алоҳида саноатга айланган. Н.Ю. Власова ва А.О. Фечиналар тарихий далилларни умумлаштирган ҳолда тиббий хизматларнинг халқаро бозори ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратиб кўрсатган. Булар, қадимий, ўрта асрларга оид Уйғониш даври, янги давр, XX аср бошларидан ҳозирги пайтгача бўлган даврларни қамраб олади [16,22].

Тиббий туризм хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу тушунча Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими учун нисбатан янги тушунча ҳисобланиб, дунё ҳамжамиятида эса у аллақачон ўзининг мустақкам ўрнига эга тармоққа айланган. Олимлар томонидан тиббий туризм икки соҳанинг қўшилиши кесимида, яъни соғлиқни сақлаш ва туризм ҳосиласи сифатида қайд этилади, тиббий туризмга одатий вазиятларда тиббий ёрдам олиш амалиёти деб қаралса, бошқа томондан эса тиббий хизматдан фойдаланиш учун умумий маънода ушбу тушунчанинг аҳамияти йўқ деб тушунилади. Шунингдек тиббий туризмни кенг маънода тиббий саноат ва меҳнондўстлик муносабатлари билан узвий боғлиқликда тиббий хизматлар кўрсатиш билан, балки вақтинча яшаш, бизнес бошқа соҳалар, яъни юридик ёрдам, транспорт, алоқа хизматларини ҳам ўзида қамраб олиш мумкин. Евгений Гнедик томонидан эса тиббий туризмга даволаш-профилактика хизматларини яратиш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ туристик фаолият тури деб таъриф берган. Фикримизча юқорида келтирилган тиббий туризм тушунчасига бўлган ёндашув ва таърифлар соҳанинг ҳар хусусиятидан келиб чиққан. Тушунчани туризм ёки фақат даволанишга нисбатан бир томонлама ёндошиш моҳиятига таъсир қилиши мумкин, аммо инсонлар учун аҳамиятга эга бўлмайди. Кўпчилик саёҳат

баҳонасида ўз соғлиғини тикласа, бошқа томондан эса фақатгина хордиқ шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам тиббий туризмга нисбатан энг мос таъриф албатта соғлиқни тиклаш ёки профилактика билан боғлиқ бўлади. Тиббиёт туризмининг бир қанча элементларини ўзида акс эттирган жиҳатлар энг аввало туризм дунёсининг ривожланиши натижаси дейиш мумкин [16,22].

Ҳозирги кунда тиббий туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қуйидаги сабаблар эканлигини такидлаш мумкин:

биринчидан, COVID-19 инфекцияси натижасида юзага келган пандемия;

иккинчидан, Интернет тармоғининг ноқулайлиги;

учинчидан, тиббий туризмни қўллаб-қувватлаш учун баъзи ҳудудларда қонун ҳужжатларининг шакллантирилмаганлиги ёки ҳуқуқий ҳимоянинг етарли эмаслиги [19,20].

Албатта, COVID-19 инфекциясининг бутун дунё бўйлаб тарқалиши ҳам иқтисодий ҳам ҳуқуқий жиҳатдан кўпгина ислоҳотлар ва ривожланишларга ўз таъсири кўрсатмоқда. Туристлар оқими кўп бўлган Италия, Испания, Туркияда бу кўрсаткичлар январь - март ойларида COVID-19 инфекциясининг кучли таъсири натижасида барча авиақатноқлар бекор бўлиши ва туризмнинг орқага кетишига сабаб бўлди. Албатта, пандемиянинг ўзи ишсизлик, бюджетга тушумлар камайиши, банкротлик ва бошқа кўплаб глобал иқтисодий зарарларга сабаб бўлди. Пандемияга қарши курашда ҳам Ҳукуматимиз томонидан солиқ ва бошқа тўловлар учун имтиёзлар, давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам дам олиш ва соғлиқни тиклаш масканлари мавжуд. Чорвоқ, Белдирсой оромгоҳлари, "Мерсиан", "Ботаника", "Турон", "Зомин" каби 100 дан зиёд санаторийлар бутун дунёга машҳур. Ҳозирги кунда юртимизда 150 дан зиёд хусусий клиникалар, даволаниш марказлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Ушбу имкониятлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам тиббиёт туризми билан боғлиқ муносабатларини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошлади.

Хусусан, Ўзбекистонни 2017-2021- йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш" деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган устувор вазифалардан бири сифатида туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилмоқда. Ўзбекистон шароитида тиббий туризмни ривожлантириш учун албатта, ҳуқуқий тартибга солиш масаласини инобатга олиш талаб этилади. Бу борада эса сўнгги 3 йилликда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, баъзилари янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони орқали Ўзбекистон Республикасида *medical visa* жорий етилди. Ўзбекистон Республикасидаги соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан берилган таклифномага асосан ушбу визадан чет эл фуқаролари фойдаланиши мумкин. Биргина "Туризм тўғрисида"ги қонун 2019 йилда янги таҳрирда қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда "Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 189-сон, 2017 йил 5 июнда "Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 355-сон қарорлари қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатларига асосан тиббий туризмни ривожлантиришга нисбатан бир қатор нормалар келтирилган. Қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши хусусий тиббий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига бир қатор имкониятлар яратиш, улар кўрсатадиган хизматларнинг кенгайишига олиб келди [1,2,3].

Шундай бўлсада, дунё тажрибасида тиббий туризмни ривожлантириш учун асосий 3 та мезон ҳар доим туристларни қизиқтириб келган, яъни буларга нарх, сифат ҳамда тиббий муассасаларга тезроқ жойлашиш имконияти. Тиббий хизматлар учун тўланадиган нарх масаласи доим тортишувли характерга эга бўлиб, кўпчилик туристлар ҳамёнбоп нархларни излаб ўз мамлакатларидан дунёнинг бошқа бир қитъасига боришлари мумкин. Бу эса ўз-ўзидан чет элга инвестициянинг чиқиб кетиши, нархнинг юқорилиги ҳамда тиббиёт ходимларининг махсус малакаси билан ҳам боғлиқ эканлигидан ҳоли этмайди. Мисол учун Таиланд одатда ҳар йили тиббий туризм бўйича биринчи ўринда бўлиб, АҚШ, Канада, Европа, Вьетнам ва Лаосдан келган 2 миллиондан ортиқ бемор ушбу ажойиб давлатга ортопедик, стоматологик ва

онкологик касаллилар бўйича ташриф буюришади. Бунинг асосий сабабларидан бири тиббий хизматлар нархининг арзон эканлигидир. Тиббий хизматлар сифати ҳамда тиббий муассасаларга тезроқ жойлашиш имконияти Ўзбекистон шароитида, хусусий тиббий клиникалар ва давлат тиббиёт муассасаларида номувофиклик мавжуд. Хусусий тиббий клиникаларда тиббий хизматларнинг сифатида ва уларга жойлашиш яхши йўлга қўйилган бўлиб, ушбу фаолиятда ихтисослашувнинг юқорилиги, ресурсларнинг кўплиги ҳамда профессионал шифокорларга нисбатан иш ҳақининг юқорилиги билан боғлиқ. Давлат тиббиёт муассасаларида эса кўпинча чекка ҳудудларда шифокорларнинг етишмаслиги, айнан маълум бир йўналишга ихтисослашган мутахассисларнинг йўқлиги, ойлик иш ҳақининг пастлиги каби бир қатор тизимли муаммолар билан боғлиқ. Қолаверса, тиббий туризм тушунчаси ва ушбу фаолият билан шуғулланишда ҳам ушбу фаолият бевосита туризм билан боғлиқми ёки фақатгина тиббий хизматлар кўрсатишга ихтисослашув талаб этиладими каби саволлар ҳам тиббий туризм ривожини учун муҳим. Айниқса, хусусий тиббий муассасалар фаолияти, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари турли қонун ҳужжатларида акс эттирилиши ҳам тиббий туризм учун қийинчиликларни келтириб чиқаради [16,22].

Европа давлатларидан бири ҳисобланган Швецияда ҳам соғлиқни сақлаш тизими дунёдаги энг яхши тизимлардан бири бўлиб, даволаш натижаларининг юқорилиги бўйича олди давлатлардан ҳисобланади. Жумладан, мамлакат бўйлаб 1400 дан зиёд дорихоналар, 80 яқин касалхона мавжуд бўлиб, тез ёрдам хизматининг ўртача нархи 38 АҚШ доллариға тенг бўлса, шифокор қабулининг ўртача нархи эса 25 АҚШ доллариға тенг. Швецияда универсал соғлиқни сақлаш тизими йўлга қўйилган бўлиб, барча фуқароларға давлат томонидан тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш самарадорлигини яхшилаш мақсадида маълум миқдордаги молиявий имтиёзлар тақдим этиш кўзда тутилган. Жумладан, барча фуқаролар, шунингдек, эмигрантлар давлат томонидан молиялаштирилган соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Шу билан бирга мамлакатда тиббиёт соҳасидаги қўшимча хизматлардан фойдаланувчилар учун хусусий касалхоналар фаолият кўрсатади. Универсал соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланиш учун фуқаролар биринчи навбатда Швецияда яшаш учун гувоҳномаға эға бўлишлари, ҳудудий тиббий хизмат кўрсатиш марказларидан рўйхатдан ўтишлари ва солиқ тўловчининг идентификацион рақамиға эға бўлишлари керак.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими марказлашмаган бўлиб, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудларида кўрсатиладиган тиббий хизматға ўзлари масъул ҳисобланадилар ва маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимлари маҳаллий ҳокимият бюджетидан ва маҳаллий солиқ тушумларидан шакллантирилади. Ҳукумат томонидан эса дори воситалари билан таъминлаш ҳамда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш масалалари молиялаштирилади. Швецияда оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш яхши йўлга қўйилган бўлиб, туғиш жараёнидаги ўлим нисбати 3/1000 та болага ва 4/100 000 онаға тенг. Шошилиш тиббий ёрдам доимий фаолият кўрсатади ва барча фуқаролар, шу жумладан тиббий суғуртаси мавжуд бўлмаган шахслар ҳам, туристлар ҳам фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, Швецияда кун давомида ишлайдиган, шошилиш бўлмаган тиббий ёрдам билан боғлиқ масалалар бўйича телефон орқали маслаҳатлар бериш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Швеция соғлиқни сақлаш тизимининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда қонунчилик ривожланиш тенденцияларига мос равишда ҳам давлат, ҳам хусусий секторда бирдек ҳуқуқий муносабатларни тартибға солади. Бунинг асосий сабабларида бири Швецияда соғлиқни сақлаш тизими давлат ва хусусий тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларига бўлиниб, уларнинг иккиси ҳам графлик, маҳаллий ва муниципал ҳокимият органлари томонидан тартибға солинади.

Шундай бўлсада, бугунги Швецияда соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши дастлабки давлат тиббиёт муассасаларининг ривожлантирилиши ҳамда кейинги босқичларда хусусий тиббий муассасаларда ҳам бунинг натижасини кўриш мумкин. 1980 йиллардан бошлаб Швецияда тиббий хизматларға бўлган эҳтиёжнинг ортиши, ҳамшираларға тўланадиган ойлик иш ҳақларининг етарли даражада эмаслиги ҳамда давлат бюджетидан сарфланадиган маблағлар миқдорининг ортиб бориши, хусусий тиббий хизматлар ҳажмининг ортишиға ва уларға нисбатан имкониятлар беришға сабаб бўлди. Бундан ташқари, ушбу жараёнларнинг қучайиши натижасида давлат тиббиёт муассасалари хусусийлаштирилди ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сотиб олдин. Швеция қонунчилигиға келганда эса "Соғлиқ ва тиббий хизмат

тўғрисидаги, "Соғлиқни сақлаш ва тиббий хизматларда профессионал фаолият тўғрисида"-ги, "Беморнинг касалликлар тарихи тўғрисида"ги қонун ҳужжатлари асосида тиббий хизматлар кўрсатиш фаолияти тартибга солиниб, тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтиши ва ўз фаолият турларини танлашлари асосида амалга оширилади. Швеция касалхоналарида хизмат кўрсатиш даражаси юқори бўлиб, агар фуқаро универсал тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, у мамлакат ҳудудидаги барча давлат касалхоналарда тиббий хизматдан фойдаланишлари мумкин. Қандай касалхона бўлишидан қатий назар қонун бўйича касалхоналарда бир кун туриш нархи 12,5 АКШ долларидан ошмаслиги белгиланган.

Мамлакатда хусусий касалхоналар ҳам мавжуд бўлиб, улар суғурта компаниялари томонидан молиялаштирилади ва мустақил ҳисобланадилар. Соғлиқни сақлаш суғуртаси ҳамда хусусий клиникаларда тиббий ёрдам олиш нисбатан қиммат ҳисоблансада, аксарият фуқаролар ва эмигрантлар вақтларини тежаш учун хусусий клиникаларга мурожаат қилишади. Шифокор кўригига ёзилиш ёки унга мурожаат қилиш учун аввало маҳаллий соғлиқни сақлаш марказига ташриф буюриш ва ўз танловига кўра шифокор кўригига ёзилиш мумкин. Агар мурожаат қилувчи шахс универсал тиббий хизмат кўрсатиш тизими фойдаланувчиси бўлса, ўзи танлаган шифокорнинг ҳам шу тизимга уланганлигини текшириб кўриши лозим, чунки мазкур тизимда бемор томонидан амалга оширилиши керак бўлган тўловлар кўриниб туради. Жумладан, мамлакатдаги барча дорихоналар умумий тизимга уланган ва универсал тизимдан фойдаланувчи беморнинг касаллик варақаси тўлдирилиши билан у барча дорихоналарда акс этади. Шунингдек давлат беморлар томонидан тиббий хизматдан фойдаланганлик учун тўланиши керак бўлган тўловлар миқдори 200 АКШ долларидан ошмаслиги белгилаб қўйилган. Демак, Швеция қонунчилигида тиббий хизматлар кўрсатиш учун мавжуд эҳтиёж, давлат ва хусусий тиббиёт муассалари ўртасидаги соғлом рақобат муҳит остида шаклланиб, бугунги юқори натижаларга эришмоқда. Қолаверса, Швецияда давлат хусусий шериклиги асосида тадбиркорлик субъектлари ва давлат ўртасида катта лойиҳалар, давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Шу сабабли ҳам тиббиёт соҳасида давлат хусусий шериклиги муносабатларини қўллаш, унинг ҳуқуқий асосларини амалиётга жорий этиш орқали ушбу соҳани янада ривожлантириш мумкин [17,21].

Ривожланган мамлакатларда иқтисодий самарадорликнинг ошиши беморлардан янги талаб пайдо бўлишига туртки бўлди: арзон нархларда юқори сифатли тиббий хизмат туристик хизматнинг қўшимча афзалликлари билан биргаликда. Туркия ушбу талабдан муваффақиятли фойдаланмоқда, бу ерда сўнгги ўн йил ичида ҳукумат ва хусусий сармоядорлар кўмаги билан Ғарб тиббиётининг энг яхши ютуқлари ва тажрибасидан фойдаланадиган инновацион, юқори технологияли тиббий саноат яратилди, лекин айни пайтда молиявий жиҳатдан анча арзонроқ. Шу билан бирга, Туркияда туризм инфратузилмаси яхши ривожланган, бу эса чет эллик беморларнинг саёҳат қилиши ва мамлакатда қолишини сезиларли даражада оsonлаштиради. 2005 йилда халқаро тиббий туризмни ривожлантириш ва чет эллик беморларга ёрдам бериш мақсадида Туркия тиббиёт туризми ассоциацияси (ТТТА) ташкил этилган. Бугунги кунда ТТТА нафақат Туркияда, балки дунёдаги энг йирик соғлиқни сақлаш бирлашмаси бўлиб, 375 аъзога эга, улар орасида касалхоналар ва клиникалар, иссиқлик ва реабилитация марказлари, меҳмонхоналар, соғломлаштириш марказлари, шунингдек, дунёнинг 92 та мамлақатидаги 167 нафар ваколатхоналар тармоғи мавжуд [12,15].

Ривожланган инфратузилма ва тиббий хизматларнинг нархи ва сифатининг ўзига хос нисбати туфайли ҳар йили дунёнинг турли чеккаларидан 1 миллионга яқин инсонлар диагностика ва даволаниш учун Туркияга ташриф буюради. Ва бу ажабланарли эмас, боиси бугунги кунда Туркия тиббиётнинг барча йўналишлари бўйича дунёдаги ҳамда Европадаги етакчи мамлакатлар билан бир қаторда туради. Кўплаб шифокорлар Германияда, Европанинг бошқа давлатларида ҳамда АКШда малака оширишган ва амалиёт ўтишган. Шу билан бирга, Туркиядаги тиббий хизматларнинг нархи Ғарбий Европа, Америка ёки Исроилга қараганда анча арзон. Туркия бугун тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида яхши имкониятларни тақдим этмоқда. Ҳар куни 165 мамлакатдан даволаниш ва реабилитация қилиш талаблари келиб тушади, асосан бу оғир ҳолатлар, катталар ва болалар орасидаги онкология, трансплантология, нейрохирургия, ортопедия, кардиология каби соҳада ёрдам кўрсатиб, ТТТА клиникани

танлашда ёрдам беришдан ташқари, чет эллик беморларга қўшимча имтиёзлар, жумладан, аэропортдан манзилга бепул етказиш, Туркияда меҳмонхоналарда яшаш учун чегирмалар, бепул таржимон хизматларини тақдим этиш ва бошқа қўп нарсаларни кафолатлайди. Аниқ ва ўз вақтида ташхис қўйиш, юқори сифатли даволаниш, хавфсиз етказиш, қулай яшаш, асоратлар хавфини камайтириш ва шаффоф чек — бу ҳар бир жиддий касаллик билан курашаётган ва соғайишга ҳамда келажакда ўз ҳаётини максимал даражада тиклашга тайёр бўлган бемор учун энг кераклисидир [8,18].

Ўзбекистон Республикаси ҳам чет эл андозаларидан ўрганиб соғлиқни сақлашни янги тизимга асос солди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5590-сон Фармонида мувофиқ соғлиқни сақлаш вазирлигида ташкил этилган Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармаси фаолият бошлади. Бошқарма 2019 йил давомида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармонида 2-иловасидаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури” ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида тиббий туризм йўналиши бўйича олиб борилаётган фаолиятни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 5-сонли буйруқ билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019-2020 йилларда тиббий туризмни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”га мувофиқ амалга оширган. Ушбу “Дастур” ва “Йўл харитаси” билан белгиланган чора-тадбирларни бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган [2,4,5].

Жумладан, 2019 йил давомида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида тиббий туризмни ривожлантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5590-сон Фармонида биноан деярли барча йирик тиббиёт муассасаларида махсус тиббий туризмни ривожлантириш бўлимлари ташкил этилиб уларнинг сони 90 дан ошиб кетди. Уларнинг зиммасига чет эллик фуқароларига намунавий тиббий ва сервис хизматларни ташкил этиш йўли билан, муассасанинг хорижий давлатлар ўртасида обрўсини ошириш ва имкониятларини тарғиб этиш юклатилган. Ҳозирги кунда республикада ҳаммаси бўлиб чет эл фуқароларни қабул қилишга мослашган ўринлар ташкил этилган бўлиб, улар иссиқ-совуқ сув, телевизор, кондиционер, алоҳида хожатхонага эга 1 ва 2 ўринли палаталарда жойлашган [1,5,6].

Тиббий туризмни жадаллаштириш мақсадида тиббиёт муассасалари томонидан махсус турпакетлар ишлаб чиқилмоқда. Бу пакетларда тиббий хизматлардан ташқари, беморларга (уларнинг хоҳиши ва имконияти инобатга олинган ҳолда) турли хил сервис ва туристик хизматлар кўрсатилиши назарда тутилган. Туристтик пакетларни ишлаб чиқиш тартиби, уларнинг намуналари ва тушунтириш хатини қамраб олган 2019 йил 3 апрелдаги 15-7/272-сонли Кўрсатма хат ишлаб чиқилди ва республиканинг барча йирик тиббиёт муассасаларга тарқатилди. Ҳозирги кунда республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология, педиатрия, кардиология, терапия ва тиббий реабилитация ва бошқа илмий-амалий тиббиёт марказларида туристик пакетлар асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида мавжуд бўлган имкониятларимизни республика аҳолиси ва чет эллик фуқаролари ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар бир йирик тиббиёт муассасасида веб-сайт ишга туширилди. Унда муассасанинг йўналиши бўйича амалга ошириладиган муолажалар, уларнинг нархи, ходимлари ва бошқа маълумотлар жойлаштирилган. 2019 йил давомида Ўзбекистон тиббиёт муассасалари Тиббий туризмни ривожлантириш соҳасида қуйидаги йирик халқаро ва чет эллик меҳмонлар қатнашадиган тадбирларда иштирок этишди:

-Халқаро «Здравоохранение ТИНЕ-2019» Тошкент кўرғазмаси (16-18 апрель 2019 й.);

- Россия Федерацияси Свердловск вилояти Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда «Соғлиқни сақлашда имкониятлар ва инновацион ечимлар» мавзудаги Тиббий форум (23 октябрь 2019 й.);

- Тиббиёт ходимлари кунига бағишланган тантана (9 ноябрь 2019 й.);
- 25-чи «Ипак йўлидаги туризм» ТИТЕ-2019 Тошкент халқаро туристик ярмаркаси (13-15 ноябрь 2019 й.);
- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги Ўзбек-Турк бизнес форуми (3-5 декабрь 2019 й.).

Республиканинг етакчи тиббиёт мутахассислари мунтазам равишда телевидение, радио, рўзномалар ва бошқа ОАВ орқали ватанимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқлар, пайдо бўлган имкониятлар ва ўзимизда даволаниш афзалликлари тўғрисида республика аҳолисига ва чет эл фуқароларига ахборот бериб туради [3,6].

Республика раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган диққат-эътибор ва амалий ёрдами билан соғлиқни сақлаш тизимида йил давомида амалга оширилган ишлар натижасида 2018 йилда республика тиббиёт муассасаларига мурожат этган 24,7 минг нафар чет эллик фуқароларга 17,8 миллиард сўмга тиббий хизматлар кўрсатилган бўлса, 2019 йилда бу рақамлар 44,4 минг нафар кишини (ўсиш +79,4%) ва 27,5 миллиард сўмни (ўсиш +54,5%) ташкил этди. Бироқ, таъкидлаб ўтиш жоизки, чет эл фуқароларига кўрсатилган пуллик хизматлардан тушган умумий маблағлар миқдори йил сайын ошиб бораётган бўлса ҳам, одам бошига кўрсатилган хизматларнинг ўртача нархи ўзгармасдан 0,6–0,7 млн. сўм атрофида сақланиб қолмоқда. Бунда, бир қатор республика ихтисослаштирилган (кардиология, хирургия, нейрохирургия, онкология, терапия ва тиббий реабилитация) илмий-амалий тиббиёт марказларида 2019 йилдаги кўрсатилган хизматлар ўртача нархи 2014 йилга нисбатан 2-4 баробар ошган бўлса, акушерлик ва гинекология, эндокринология, кўз микрохирургияси, травматология ва ортопедия, фтизиатрия ва пульмонология марказларда бу кўрсаткич 2-3 баробар пасайди. Яъни, бу марказларда юқори технологияли мураккаб маблағталаб тиббий хизматларни кўрсатиш хажми етарли эмаслигидан хабар беради [9,11,14].

Бундан ташқари, бир қатор (Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё) вилоятларда бу йиллар давомида кўрсатилаётган пуллик хизматлар ўртача нархи 0,1-0,2 млн. сўмни ташкил этаётган бўлса, Фарғона, Хоразм, Тошкент вилоятларида бу кўрсаткичлар 0,5-0,7 млн.сўмга тенг бўлиб келмоқда. Яъни, вилоятлар кесимида ҳам кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари ва мураккаблиги ўртасида катта тафовут аниқланмоқда. Касалликларга чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган шифохона ва муассасаларга «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун» кўкрак саратони бўйича Миллий ассоциацияси, «Аёллар кенгаши» каби жамоат ташкилотлари томонидан анча салмоқли ёрдам кўрсатилмоқда. Ушбу ташкилотларнинг хайрия ёрдамлари туфайли мутахассис ва умумий амалиёт шифокорлари учун турли форум-марофонлар, «Маҳорат дарслари» уюштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз аҳолиси орасида соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилинмоқда. Ўзбекистонда аксарият барча касалликларга чалинган беморларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган шифохона ва муассасалар ҳам юксак билим ва касбий малакага эга бўлган мутахассис шифокорлар ҳам, замонавий тиббий ускуналар ҳам, турли хил дори-дармонлар ҳам етарлича бор. Дардингизга шифо истаб хорижга сафар қилишингиз учун ҳеч қандай ҳожат йўқ деб уйлаймиз, сабаби ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан тиббий туризм ривожлантириш юзасидан барча тадбирлар амалга оширилмоқда [7,13].

Хулоса қиладиган бўлсак, тиббий туризмнинг мамлакат иқтисодий ҳаётига интеграциясини ошириш учун эса биринчи навбатда, тиббий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда йиллик туристларни кўп жалб этганликлари ҳисобига имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун COVID-19 инфекциясининг тарқалишидан келадиган иқтисодий зарарларни инobatга олиб, online тиббий маслаҳатларни йўлга қўйиш хусусий сектор учун фойдали. Имтиёзлар берилиши жамият учун бир қатор энгилликлар келтириб чиқаради. Аввало, online тиббий маслаҳатларни йўлга қўйиш билан аҳолининг чет элга боориш келиш, у ердаги тиббий хизматлар учун сарфланадиган маблағлари тежаллади. Натижада, фуқаролар давлат ичида ички тиббий туризм учун сарфланган маблағдан ортиқчасини бошқа мақсадларда сарфлашади. Ушбу ҳолат эса мамлакатдан ташқарига валютанинг чиқиб кетишининг олдини олишга ҳам пул айланмасига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, хусусий тиббий хизмат учун қанчалик кўп чет элдан турист кириб келса, тадбиркор учун ҳам, давлат учун ҳам шунчалик даромад олиб келади. Бунинг натижасида, тадбиркорлар ўз нуфузини оширишса, мамлакат имиджининг хусусий тиббий хизмат кўрсатиш

ва тадбиркорларга нисбатан муносабати янада яхшиланади. Шунингдек санитария-эпидемиологик назоратни сақлаган ҳолда хусусий тиббий хизматдан фойдаланиш учун туристларни жалб этиш ишларини давом эттириш лозим, чунки бугунги дунё ўзбек олимларининг ҳамда давлатимизнинг тиббиётга нисбатан муносабати ва салоҳиятини тан олишди. Бу эса пандемиядан кейин тиббий туризмга нисбатан ишонч сақланиб қолганлигини билдиради.

Иккинчидан, тиббий туризмни ривожлантириш мақсадида ушбу соҳада давлат хусусий шериклик қоидаларини қўллаш лозим. Бунинг учун эса давлат активлари ҳисобидан молиялаштириладиган аммо самарасиз ва зарар билан ишалётган тиббий санаторийлар, оромгоҳлар, табиий ландшафтларга бой ҳудудларни хусусийлаштириш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида, янги иш ўринлари яратилиб, хусусий мулкка нисбатан муносабат ўзгаради. Мулк эгалари ундан самарали фойдаланиб ва мулкка нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлади.

Учинчидан, тиббий туризмга ихтисослашган ҳудудларнинг оммабоп хариталарини ишлаб чиқиш ҳамда энг чекка ҳудудларда ҳам Интернет тармоғининг сифатли ишлашини таъминлаш талаб этилади. Интернет тармоғида ҳар бир хусусий тиббий клиникаларнинг ўз веб саҳифаларига эга бўлиши ҳар томонлама сифатли ва амалдаги реклама қоидалари асосида туристларни ўзига жалб этишга хизмат қилиши лозим.

Тўртинчидан, хусусий тиббий хизматлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатининг мавжуд эмаслиги, ушбу фаолиятнинг бугунги кунда ривожланиб бораётганлиги ҳамда хусусий тиббий хизматдан фойдаланувчиларнинг ҳажми йилдан йилга ортиб бораётганлиги сабабли “Хусусий тиббий фаолият тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши учун заруратни келтириб чиқармоқда.

Тиббий хизматлар кўрсатиш ва соҳада тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланиб, амалга оширилаётган ислохотларда хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун ортикча сарф-харажатлар, сансалорликлар келиб чиқишининг олдини олиш, уларни ташкил этиш тартибини соддалаштириш билан боғлиқ бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бундан ташқари, хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолият кафолатларини кучайтириш масаласини ҳал этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этиб, айниқса, тиббиёт юқори даражада ривожланган, аҳолининг саломатлиги, она-бола ўлимининг камлиги, тиббий туризм ривожланиб бораётган давлатлар соғлиқни сақлаш тизимларини ўрганиш орқали бир қанча ижобий жиҳатларни олиш мумкин бўлади.

АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ:

1. “Туризм тўғрисида”ги қонун 2019 йилда янги таҳрири.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда “Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 189-сон, 2017 йил 5 июнда “Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 355-сон қарорлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.
4. Understanding the German Health Care System www.goinginternational.eu/newletters/
5. Регулирование предпринимательской деятельности в системах здравоохранения европейских стран. / ред. Р.Б. Солтман и др. - М.: Весь мир, 2002. - С. 181.
6. Government of India. National health policy. 2002. <http://mohfw.nic.in/np2002.htm> (accessed 1 Oct 2005). URL: <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmedhealth/PMH0078019>
7. Dilorom U., Gulhayo T., Ilmira U. (2017). The prevalence of iodine deficiency disorders in children of the Republic of Uzbekistan. //International scientific review, (1 (32)), 98-99.
8. Inakov S.A., Mamatkulov B.B., Kosimova K., Saidalikhujayeva, S., Shoyusupova K.B. (2020). Social and Demographic Characteristics of Elderly and their Lifestyle in Developing Countries:

- On the Example of Uzbekistan. //Indian Journal of Forensic Medicine Toxicology, 14(4), 7418-7425. DOI: <https://doi.org/10.37506/ijfmt.v14i4.12821>
9. Kamilova D.N., Saydalikhujaeva S.Kh., Abdashimov Z.B., Rakhmatullaeva D.M., Tadjieva X.S. (2021) Employment relations and responsibilities of medical institutions workers in a pandemic in uzbekistan. //Journal of Medicine and Innovations, 2, 13-1 DOI: [10.34920/min.2021-2.13-19](https://doi.org/10.34920/min.2021-2.13-19)
 10. Kamilov Kr.M., Tangirov A.A., Turakhonova A.L., Mamadjanov F.M., Risk factors caused by congenital disorders in children. *A biblical narrative of the theology of work.*
 11. Mahmudova M.X., Hudayberganov A.S., Baratova R.S., Xodjiaxmatova R.Y., Musaev B.B. (2022). Assessment of the hidden threat of excessive salt into the body due to the use of bakery products in Uzbekistan. //International Journal of Health Sciences, 6(S1), 13689–13694. <https://doi.org/10.53730/ijhs.v6nS1.8582>
 12. Mamatqulov B.M., Mirzarakhimova K.R., Urazaliyeva I.R., Avezova G.S., Mirakhmedova S.S. (2021). Risk Factors for Congenital Anomalies in Children and the Role of the Patronage Nurse. //Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 8803–8815. Retrieved from <https://www.annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3602>
 13. Masharipova R.Y., Khasanova G.M. (2020). Improvement of motor fitness of dental students in the process of physical education classes. //Bulletin of Science, 5(3), 101-104.
 14. Mirkhamidova Sevara, Rustamova Hamida, Umarov Botirjon, Kamilova Dilfuza, Pakhrudinova Nigora. (2021). The Role of Nurses in Organizing Hiv Prevention Work in Educational Institutions. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(2), 3079–3088. Retrieved from <https://www.annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/1287>
 15. Risbaev Z.A., Umurzakova D.A., Ernazarov J.G., Sultonov D.M. (2017). How to make management decisions. //In Young scientists' and mentors' non-standart congress (pp. 183-186).
 16. Saydalikhujaeva S.X., Adilova Z.U., Saydalikhujaev F.G. (2017). The health status of the nulliparous and the role of nurses in preparing them for childbirth. //In Young scientists' and mentors' non-standart congress (pp. 186-190).
 17. Бабажанов А., Камилова Д., Тухтаев Ж., Тоиров А., Алимов Ж. (2017). Эффективность методов лечения различных видов изолированного варикозного расширения вен нижних конечностей. //Журнал проблемы биологии и медицины, (4 (97)), 20-23.
 18. Камилова Д., Бабажанов А., Ахмедов Г., Тоиров А., Курбанов Х. (2017). Улучшение тактики герниопластики при миофасциальных дефектах боковой стенки живота. //Журнал проблемы биологии и медицины, (4 (97)), 48-51.
 19. Каримов В.В., Рузиев Ш.Х. (2021). Коррекция профессиональных заболеваний стоматологов с помощью физических упражнений. //Проблемы науки, (3 (62)), 63-65.
 20. Курамбаев Я.Б., Тангиров А.Л., Каримова З.Х. Особенности регуляции дыхания в условиях торможения карбоангидразы // Вестник науки. 2021. №12 (45). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-regulyatsii-dyhaniya-v-usloviyah-tormozheniya-karboangidrazy> (дата обращения: 04.11.2022).
 21. Курамбаев Я.Б., Абдукадиров Х.Ж., Мамаджанов Н.А. (2021). Особенности развития и течения пневмонии при воздействии на организм пестицидов (экспериментальное и эколого-эпидемиологическое исследование). //Вестник науки, 5(10 (43)), 91-98.
 22. Машарипова Р.Ю. (2020). Повышение специальной двигательной активности студентов-стоматологов. //Наука, образование и культура, (8 (52)), 51-53.
 23. Рузиева С. (2021). Роль медицинских сестёр в стоматологической поликлинике. //Медицина и инновации, 1(1), 75-77.
 24. Сайдалихужаева Ш., Рустамова Х. (2021). Синдром эмоционального выгорания у медицинских сестер-анестезистов. //Медицина и инновации, 1(2),9-12. DOI: [10.34920/min.2021-2.9-12](https://doi.org/10.34920/min.2021-2.9-12)
 25. Уразалиева И.Р., Сайдалихужаева Ш.Х. (2017). Особенности течения беременности, родов и послеродового периода у первородящих. //In European research: innovation in science, education and technology (pp. 109-110).

Қабул қилинган сана 15.10.2022